





### 24 соат ичида

ЖАҲОН

Хитойдаги пиротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган фабрикада портлаш рўй берди.

### Фабрикада портлаш

Оқибатда 19 киши ҳаётдан кўз юмди, 153 нафар одам жароҳатланди, беш киши бедарак йўқолган, дея хабар беради "Синьхуа" ахборот агентлиги.

Воқеа Хэйлунцзян провинциясидаги Инчун шахрида содир бўлди. Гувоҳларнинг айтишича, портлаш зарби беш километрлик радиусда жойлашган бино ойналарини синдириб юборган. Келиб чиққан ёнгини бартараф этишда 60 та ўт ўчириш бўлинмаси қатнашди. Хавфсизлик нўқтани назаридан икки мингдан ортиқ аҳоли бошқа жойларга кўчирилди.

Кўнгилсизлик келиб чиқши сабаблари ўрганилмоқда.

### Буюртмага яраша даромад

Германиядаги йирик курувчилик концерни — "Hochtief" йил охиригача буюртмалар сонининг кўпайиб бориши эвазига даромад миқдори ҳам ортишидан умидвор.

Бундай тахминларнинг пайдо бўлишига ташкилот хизматлари га бўлган талаблар жорий йилнинг иккинчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 65 фоизга ошгани сабаб бўлди. Ҳамкорлик шартномаларининг асосий қисми Австралия билан имзоланган.

### Самолётни чақмоқ урди

Колумбиянинг "Aires" авиакомпаниясига тегишли "Boeing-737" самолёти ҳалокатга учради.

Натижада бир киши ҳалок бўлди, 114 киши жароҳат олди. Бахтсиз ҳодиса Сан-Андреаси оролидаги аэропортида рўй берган. Гап шундаки, пойтахт Богота шаҳридан парвозга чиққан ҳаво лайнери мураккаб об-ҳаво шароити — қучли ёмғир, чақмоқ ва момақалдирчоқ остида кўндирилётганда фожега йўлиққан. Яъни уни чақмоқ урган.

### Ижобий ўзгариш

Швециядаги "N&M" компаниясининг июль ойидаги савдоларида 10 фоизлик ўсиш кузатирилган.

Бу ҳолат либос ва пойабзал етказиб берувчи мазкур бренднинг янги дўконларида харидорлар сонининг тобора кўпайиб бораётгани билан изоҳланмоқда. Шундай қилиб, мутахассисларнинг бундан олдин қилган тахминлари ортиги билан ўзини оқлади.

### Куч — бирликда

Чилининг "LAN Airlines" ва Бразилиянинг "TAM Linhas Aereas" авиакомпаниялари ўзаро бирлашганлиги ҳақида маълум қилинди. Янги холдингга "LATAM Airlines Group" номи берилди.

"LAN Airlines" ўтган йили йўловчилар орасида энг намунали хизмат кўрсатган авиакомпания деб топилган. Унинг таркибидаги 97 та ҳаво лайнери мамлакат ичида, Жанубий Америка, АҚШ ва Европа мамлакатларида парвозларни амалга оширарди. Бундан ташқари, сайёҳларни доим ўзига қизиқтириб келган Пасха оролига фақатгина мазкур ташкилот томонидан рейслар йўлга қўйилган. "TAM Linhas Aereas" ўз минтақасида йўловчи ташиш бўйича етакчи ҳисобланарди.

Уларнинг бирлашуви эса Латин Америкасидаги энг йирик авиация ташкилотига асос солди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида, хусусан, банк-молия тизимида изчил амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Натижада бу соҳага бўлган ишонч мустаҳкамланиб, молия муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўлами тобора кенгайиб бораётир. Асосийси, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган маблағ ва кўрсатилаётган хизматлар уларнинг фаолиятини ривожлантириш баробарида, иқтисодиётимизнинг янада юксалишига, аҳоли турмуш даражасининг фаровонлашувиغا хизмат қилмоқда.

### «Асака» банки:

# ЎЗАРО ИШОНЧ – ЭНГ МУҲИМ ОМИЛ

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, "Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айна пайтда у белги-ланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга". "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки ҳам ана шундай барқарор молия муассасаларидан бири. Унинг биргина Самарқанд вилояти филиалида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, миқозлар билан муносабатлар ҳам бу фикрнинг исботи, албатта.

### Тадбиркорга имконият кўп

Маълумки, юртимизда иқтисодиётнинг барча жаб-халарини, шу жумладан, транспорт тармогини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган автобусларни кўпайтириш орқали янги йўналишлар жорий этиляпти. Замонавий ва қулай транспорт воситалари, табиийки, аҳолининг ўзғирини ақин, оғирини енгил қилиб, уларга бир қатор қулайликлар яратаяпти.

Самарқандда бу жабҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар, уларнинг ташаббускорлари бўлаётган ишбилармон ва тадбиркорлар кўп. Бундай ҳаракатларнинг эса вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, улар учун қулай имкониятлар яратилаётганлиги, молия муассасалари томонидан ўз вақтида етарли миқдорда кредит

маблағлари ажратилаётганлиги вилоятда жамоат транспорти хизматининг ривожланишида муҳим омил бўлаётти. Бундай ишларда, жумладан, коммунал соҳани яхшилаш, ободонлаштириш, сув ҳўжалиги объектларини таъмирлаш, шунингдек, транспорт хизматларини ривожлантириш борасида "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкнинг Самарқанд вилояти филиали жамоасининг доимий фаолиятини таъкидлаш жоиз. Масалан, мазкур филиал "Ўзавтосаноатлизинг" лизинг компанияси билан ҳамкорликда ўз миқозларига лизинг хизмати кўрсатишни йил сайин яхшилаб бораёпти.



Таъкидлаш жоизки, бу билан банк филиали жамоаси Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонунининг амалда бажарилишига муносиб ҳисса қўшаяпти. Лизинг хизматларини

янада ривожлантириш, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришда кўл келмоқда.

### Молия муассасаларида

### Ҳамкорлик самараси


Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд йўловчитранс" шўба корхонаси мазкур банк миқозларидан саналади. Филиал томонидан ушбу корхонага кўрсатилган лизинг хизмати туфайли жамоа парки

кредит олиш жараёнида тақдим этган бизнес режалари кўрсаткичларини тўла-тўқис бажариб келмоқдалар. Қўнлик нақд пул тушумлари банк кассаларига топшириляпти. Натижада олинган кредит ва фоизлар ўз вақтида қайтарилиши таъминланаяпти.

Бугун Самарқандга келаётган меҳмонлар, ҳатто хорижлик сайёҳлар ҳам кўнча шаҳар қиёфасининг кейинги йилларда таъкидланган ҳолатда ўзгариб кетганини, кўчаларнинг кенгайиб, раволашганини, транспорт ҳаракатида яратилган қулайликлар алоҳида таъкидлашяпти. Аслида ҳам шундай. Самарқанднинг бугунги жамои унинг бундан 19 йил аввалги қиёфасидан мутлақо фарқ қилади. Ҳар қадамдаги ободончилик, орасталик, янгидан яратилган гулзорлару хиёбонлар, кўкка буй чўзган миноралар, кўпқаб ижтимоий иншоотлар, замонавий тураржойлар, бориники, ҳамма-ҳаммаси ҳар қандай кишининг Самарқандга бўлган ҳавасини, ҳайратини оширади.

Бундай ўзгаришларда молия муассасаларининг ўрни ҳам алоҳида. — Илгари Самарқанднинг кўпгина кўчаларида транспорт тигизилинган ҳайдовчилар кийналишарди, — дейди шаҳар фуқароларидан бири Аҳрор Уролов. — Кўчаларнинг торлиги, бунинг устига ҳар қадамда учрайдиган, тегишли лицензияга эга бўлмаётган йўловчи ташийдиган автомобилларнинг кўпчилиги ҳайдовчи учун ҳам, йўловчи учун ҳам анча ноқулайлик туғдирарди. Энди эса шаҳар бўйлаб хоҳлаган манзилга автобусда бориш мумкин. Банклар, лизинг компаниялари ва транспорт корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик туфайли автобуслар ва очилаётган янги йўналишлар сони кун сайин кўпайиб бораётгани янада қувонарлидир.

Айтиш жоизки, банк ва "Ўзавтосаноатлизинг" лизинг компанияси хизмати ҳамда номлари юқорида тилга олинган икки автокорхона ташаббуси эвазига Самарқанд шаҳри кўчаларида ҳаракатланаётган автобуслар сони бир йўла 380 тага кўпайди. Ҳар иккала жамоанинг ҳам шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш даражаси ошди. Улар



### Лоқайдлик оқибати

Айтиш жоизки, банк ва миқоз ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамловчи омиллар кўп. Шулардан энг асосийси, ўзаро ишончдир. Қачонки, бир тараф ушбу масъулиятни унутса ёки шартнома шартларига риоя қилмаса, бундай муносабатга дарз кетиши аниқ. Афсуски, баъзан шундай ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Масалан, "Асака" давлат акциядорлик тижорат банкнинг Самарқанд вилояти филиали ҳамда "Балхиён Транс" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Балхиён ободончилик" шўба корхонаси ўртасида худди шундай воқеа юз берди. Гап шундаки, ушбу корхонага филиал томонидан ажратилган маблағ эвазига "Ўзавтосаноатлизинг" лизинг компаниясидан Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 30 та "Исузу" русумли чиқинди ташувчи санитар ва юк ташувчи ағдарма машина олиб берилди. Шартнома шартларида 584,2 миллион сўмлик маблағ автомобиллар қийматининг олдиндан 25 фоизлик тўлови ҳамда бир ойлик ёнлиги-мўйлаш материалларига бўлган эҳтиёжи учун 10 фоиз устама тўлови кўрсатилди.

Тадбиркор тадбирли бўлса, ишда барака бўлади. Бугун юртимизда бундай тадбиркорлар кўп. Улар ўз ишлари билан нафақат маҳал-

ладошлари ёки қишлоқдошларини иш билан таъминляпти, балки злу юртга наф келтирапти. Аммо бу таъриф "Балхиён ободончилик" дағиларга мос эмас.

Улар техникани олишга олишди-ю, бўёғига лоқайдлик қилишди. Бизнес режада кўрсатилганидек, маблағдан самарали фойдаланиш ўрнига, шахсий манфаатларини ўйлашди. Кредит ва фоиз тўловлари мунтазам кечиктирилмади. "Ўзавтосаноатлизинг" лизинг компанияси олдидаги лизинг тўловларини ҳам қайтара олмади.

Оқибатда "Ўзавтосаноатлизинг" лизинг компанияси автомобилларнинг барчасини "Балхиён ободончилик" шўба корхонасидан қайтариб олишга мажбур бўлди. Шундан сўнг корхона фаолияти бутунлай тўхтади. Ушбу ҳолат юзасидан Самарқанд вилояти ҳўжалик суди томонидан 470 миллион 164 минг 444 сўм миқдоридagi кредит қарздорлигини қайтариш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг ижроси ҳам амон пайсалга солиб келинмоқда.

"Балхиён ободончилик" корхонаси раҳбарлари бундай масъулиятсизликка йўл қўйишганида, олинган кредитни вақтида қайтарганларида, бу маблағ туфайли нечоғли ободончилик ишлари амалга ошириларди. Бугун шаҳарнинг айрим худудларида ахлат ва чиқиндиларни ташинида санитар машиналари ўрнида тракторлардан фойдаланишга мажбур бўлиняпти. Бугун юртимизда бундай тадбиркорлар кўп. Улар ўз ишлари билан нафақат маҳал-

Абдусул САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори «DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD» мамлакат минтакаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида барча қизиқиб билдирган шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Спешите забронировать стенд! по вопросам участия обращайтесь в офис организаторов 113 01 80

CA PS 4-я Центральнoазиатская международная выставка ОХРАНА, БЕЗОПАСНОСТЬ И ПРОТИВОПОЖАРНАЯ ЗАЩИТА 21-23 СЕНТЯБРЯ 2010

Организатор: Узбекистан, 100015, г. Ташкент, ул. Айбека, 20. Тел: (+998 71) 113-01-80, Факс (+998 71) 252-51-64. www.ite-uzbekistan.uz

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ. • УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ • 5 м³/соатдан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР • ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ • ПЭК фильтрлари, ИЗО муфтлари

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университетда кўп йиллар ректор лавозимда ишлаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Жамолдин БҲРОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Ташкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими худудий бошқармаси бошлиғи Ҳасан ИБРАГИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади. «Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси бош муҳосиб Адельда Дюгайта отаси Виктор ДЮГАЙИНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. И. ИСТАМОВ.

Спорт • Sport • Спорт

# ПЕШҚАДАМЛАР ЗАФАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионатининг 16-тур ўйинлари якунланди.

Турнир жадвалида етакчилик қилаётган "Бунёдкор" ушбу турда "Олмалиқ" жамоасини қабул қилди. Бразилиялик кватрет (Ривалдо, Денисон, Жоа Виктор, Рамос)нинг жамоани тарқ этганлиги, Сервер Жепаров ва Жасур Хасанов Жанубий Корея ҳамда Каттар клублари шарафини ҳимоя қилаётгани, яна тўрт нафар асосий таркиб футболчиларидан бири бўлиши бўлса керак. Шундай бир вазиёда амалдаги чемпионлар устози Миржалол Қосимов, асосан, ёш иқтидорли футболчиларга ишонч билдирди. Бу, ўз навбатида, қўлланган натижани берди. Учрашув 1:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. Ягона тўли 22 ёшли Анвар Раҳимов киритди.

Яна бир пешқадам — "Пахтакор" сафарда "Локомотив" жамоаси меҳмони бўлди. Бу сафар "Локомотив"ни турк-манисонлик тажрибали муҳассис Тачмурод Агамуродов бош мураббий сифатида майдонга олиб чиқди. Таъкидлаш лозимки, янги мураббийнинг келиши темир йўлчилар ўйинига ижобий ўзгариш киритди. Улар деярли бир

соат давомида рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб боришди. Лекин якунда бағрибир тажриба ўз сўзини айтди: ўйин 2:0 ҳисобида "Пахтакор" жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

"Насаф" жамоасига яқинда украинлик таниқли футболчи Анатолий Демьяненко бош мураббий этиб тайинланган эди. Қаршиликлар янги мураббий бошчилигидаги илк ўйинда аутсайдер "Хоразм" жамоасига қарши тўп суришди. Ушбу баҳсда омад майдон эгалари томонида бўлди. Меҳмонлар учрашувнинг сўнгги дақиқаларида ғалаба тўлини киритишди — 2:1.

"Андижон" жамоаси ҳам иккинчи даврани муваффақиятли бошлади. Ушбу жамоа кейинги уч турда етти очко жамғарди. Тўллар нисбати — 7:2. Водийликлар бу сафар Самарканднинг "Динамо" клубини 1:0 ҳисобида доғда қолдиришди. "Водий дербиси" бўлиши, "Нефтчи" — "Навбахор" учрашуви ҳам қизгин кечди. Унда 4:3 ҳисобида майдон эгалари зафар кучишди. Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар кайд этилди: "Қизилқум" — "Машъал" 1:1, "Шўртан" — "Металлург" 2:2.

### Ўн олтинчи турдан кейинги вазият:

	Ю	Д	М	Т-Н	О
"Бунёдкор"	14	2	0	34-7	44
"Пахтакор"	11	4	1	25-11	37
"Насаф"	8	6	2	19-14	30
"Шўртан"	8	4	4	20-15	28
"Қизилқум"	6	5	5	12-11	23
"Андижон"	6	3	7	18-18	21
"Металлург"	5	5	6	15-18	20
"Динамо"	5	4	7	18-18	19
"Навбахор"	5	3	8	20-20	18
"Нефтчи"	4	4	8	22-27	16
"Олмалиқ"	4	4	8	15-22	16
"Машъал"	3	6	7	8-19	15
"Локомотив"	4	2	10	12-25	14
"Хоразм"	1	4	11	10-23	7

З. ЖОНИБЕКОВ.

## Яна бир муваффақият

Сингапурдан яна бир хушxabар келди. Кун сайин ўзининг қизгин палласига қириб бораётган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар қўлга киритган медаллар сони тўртtagа етди.

Мамлакатимизда болалар спортига берилаётган эътибордан баҳра олиб ўлганга ётган ёшларимиздан бири Дийёр Эргашев ўзига билдирилган ишонччи оқлади. Эркин курашчи ярим финалгача бўлган беллашувларда беларуслик ва канадалик рақиблари қарши эрга теккизди. Аммо ярим финалда туркиялик полвонга имкониятни бой берди. Шунга қарамай, Дийёр совринли ўринлардан умидини узгани йўқ.

Учинчи ўрин учун кечган муросасиз баҳсда мисрлик рақибини мағлубитtagа учратиб, термаиз газнасини учинчи бронза билан бойитди.

Бундан ташқари, спорт гимнастикачиларимиздан Эдуард Шаулов ва Дилноза Абдуллоева саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этиб, финалга йўлланма олишди.

М. САИДЖОНОВ тайёрлади.

Бугун хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлар орасида жорий йилги ёз фаслининг жуда иссиқ келганлиги, ҳарорат кўтарилиши туфайли юз бераётган табиий офатлар асосий мавзулардан бирига айланган. Чунки табиатнинг бундай қутилмаган синови аксарият мамлакатлар аҳолисини жуда қийин аҳволга солиб қўйди. Чунончи, бир гуруҳ иқлимшунос олимлар июнь-июль ойларида сайёрамиздаги ўртача ҳарорат, ХХ асрнинг шу даври билан таққосланганда, 1,2 марта юқорироқ бўлганини қайд этишди. Шу ўринда айрим давлатларда вужудга келган вазиятлар мисолида мавзу моҳиятини изоҳлаб кўрсак.

Абадий қорликлар макони — Альп тоғлари этагида жойлашган Австриянинг барча ҳудудларида рекорд кўрсаткичи — 35 даража иссиқлик кузатилди. Бундай ҳарорат билан юзлашиш одамларга осон келмаганини музқаймоқ ва салқин ичимликларга бўлган талаб бир неча баробар ўсгани, Вена шаҳрида улкан сув ҳавзаси бунёд этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Йўллардаги тирбандликларда қолиб кетган автомобиль ҳайдовчиларнинг қийинатини эса тасаввур қилиш қийин эмас.

лар, юзлаб ўт ўчирувчилар, махсус авиация қисмларининг сайёҳ харақати билан ҳозирча қурбонлар ва жабрланганлар йўқ. Италияда "симоб устунчалари" жазирамадан синиб кетишига оз қолди. Фавқулодда вазиятлар вазирига қилинган қўнғироқларнинг деярли барчаси юқори ҳарорат билан боғлиқ шикоятлардан иборат бўлди. Сўлим орол — Сицилияда ўнлаб ёнғинлар қайд этилди. Чехияда 300 йиллик метеорологик кузатувлар даврида биринчи марта гайриоддий иссиқлик туфайли

чиққан. Натижада қўпжаб ўрмонлар ўт остида қолди. Маълумотларга кўра, шу туфайли 50 киши ҳаётдан қўз юмган, 3,5 минг киши жабрланган, 12 та ҳудудда 1940 та ўй ёниб кетган. Бунинг устига, қирқ йилдан бери биринчи марта қурғоқчилик кузатилиб, 9 млн. гектарлик экин майдони нобуд бўлди. Қурғоқчилик хирмон баракасини кесган бўлса, жазирама деҳқоннинг мадорини қурипти, техникани тўхтатди. Далада "тирик" қолган ҳосилни беқаму кўст йиғиб олиш учун нисбатан илиқ пайт — тунда



га келган ноҳуш ҳид, ўрмон ёнғинларидан азият чеқдилар. Хусусан, Пекинда охириги эллик йил ичидаги энг юқори даража (40,3) қўпчиликни ноқулай аҳволга солиб

чалажонларини қирғоқ бўйларига суриб ташлади. Экология инспекцияси йўқотишларни камайтириш мақсадида балиқларни оммавий овлашга рухсат берди. Болтиқ денгизи юзасида эса иссиқлик туфайли қўқ-яшил рангдаги бир хужайрали сув ўтларининг улкан ғилами пайдо бўлди. Бутунжаҳон ёввойи табиат маркази вакили Йохан Ламнинг фикрича, сув ҳароратининг кўтарилиб кетиши оқибатида ўтларнинг қўпайиши учун қулай шароит пайдо бўлган. Коинотдан олинган суратларда ушбу қатлам

# ЖАЗАВАДАГИ ЖАЗИРАМА

Греция, айниқса, Афинада ўтган ойларда термометр кўрсаткичи нақд 43 даражагача етиб борди. Ушбу ҳудуд учун бу ноодатий ҳоллар. Устига-устак, пойтахтнинг шимоли-шарқидан 30 км. узокликдаги ўрмонларда ёнғинлар келиб қизди. Унга қарши 400 дан ортиқ киши кураш олиб борди. Шунга қарамай, гармсел туфайли тез тарқалган табиий офат ва унинг тузати атмосфера, биосферага пуртур етказди, аҳоли саломатлигига ҳавф солди. Марафон шаҳрида эса "тилсиз ёв" келтириб чикарган муаммоларни бартараф этиш аниқ кийин кечди. Буни ушбу ҳудуд маъмурий бошқармаси вакили Капандри Келидоу-Гуанакунининг фикридан ҳам англаб олиш мумкин: "Ёнғиннинг бу даражада тез тарқалганини ҳеч қачон кўрмагандим. Шамол аниқ узокдаги оловни кўз-очиб юмғунингизча олдингизга олиб келиб қўяди. Нима қилишни ҳам билмай қоласиз..." Кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Лаврио шаҳридаги иккита оромгоҳдан болалар ҳавфсиз жойларга кўчирилди. Ўз вақтида амалга оширилган чора-

аҳоли ҳаётига жиддий ҳавф тугилди. Прага клиникаси кардиология бўлими шифокорларидан бирининг айтишича, "Ғалати иқлим гипертоник ва юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар саломатлигига жиддий пуртур етказди". Табиийки, охириги ҳафталарда инфаркт ва инсульт билан шифохонага ётқизиладиган беморларнинг сони кўпайди.

Ҳаттоки, айрим автомобиль йўлларининг асфальт қисми эриб кетган. Масалан, мамлакатнинг ғарбий чегараси яқинидаги халқаро автйўлининг 9 км.лик қисми шу сабабли вақтинча ёпиб қўйилди. Таъмирлаш ишлари август ойи охирида ниҳосига етказилиши айтилмоқда. Латвияда қамдан-кам кузатиладиган 34 даражалик ҳарорат қизиқарли манзарани келтириб чиқарди. Гап шундаки, Рига шаҳридаги телеминора иссиқлик туфайли 4 см.га узайиб, Европада биринчи ўринга кўтарилиб олди. Мутахассис Улдис Рутсининг айтишича, бино 32 даражадан бошлаб қўзилиш жараёнига ўтган. Россиянинг бир қатор минтақаларида эса ҳарорат 40 даражагача

ишлагга тўғри келди. Шундай бўлса-да, таъмирлаш бригадалари аниқ тер тўқди. Иқлим ҳодисаси сабаб экологик вазият янада нозиклашиб, ҳаво таркиби бузилиб кетди. Ҳаттоки, иссиқлик ва чағ-тўзон Санкт-Петербург шаҳридаги Тинчлик минорасига зарар етказди. Аниқроқ қилиб айтганда, иншоот ойналарининг ички ва ташқи тарафлари дарз кетди. Спортчилар ва мухлисларга ҳам осон бўлаётгани йўқ. Жумладан, футбол олами вакилларига қўпайлиб бўлсин, дея миллий чемпионат ўйинлари янада кечроқ вақтга кўчирилди.

АҚШда 40 даража иссиқ бўлди. Шундай шароитда машhur Нью-Йорк марафони ташкил этилди. Буни қарангки, марафача ҳеч қандай кела олмади. Шифокорлар одамларга қундузи кўчага чиқмасликни тавсия этдилар.

Хитойнинг 13 провинциясида июль ойида ҳарорат 35 даражадан ошган. Йирик шаҳарлар аҳолиси юқори тафт сабаб сув ҳавзалари, дарёлар ва ховуларда вужуд-

қўйди. 20 мингдан ортиқ ўт ўчирувчи эса Хэйлунцзян провинцияси шимоли-шарқида пайдо бўлган "тилсиз ёв"ни бартараф этишга ҳаракат қилдилар.

Япониянинг Отэмати туманида 35,9 даража иссиқлик кузатилди. Электр қувватига бўлган талаб мейёридан уч баробар ошиб кетди. Босини, мамлакатдаги салқинлик бахш этувчи барча қурилмалар ишга туширилди. Шунга қарамай, 21 июль кунга беш киши иссиқликдан вафот этди, яна 180 нафар киши шифохоналарга ётқизилди.

Энди сув ҳавзаларига эътиборни қаратсак. Азов денгизида ҳароратнинг кўтарилиб кетиши оқибатида балиқ овлаш осонлашди. Сабаби, жазирама туфайли сувдаги кислород қанчалик кам бўлиб, балиқлар оммавий тарзда нобуд бўлди. Жониворлар аввалига сув юзасига қалқиб чиқди, кейин оқим уларнинг

Умуман олганда, жазаводаги жазирама сайёрамизнинг қўпжаб ҳудудлари табиати, одамлари учун ноҳуш ва ноқулай келди. Буни атмосфера, биосфера, гидросфера каби қатламларга етказилган зарар, шунингдек, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётга салбий таъсири мисолида ҳам англаб олиш мумкин.

Санджон МАХСУМОВ.

Олимпиада — 2010

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

**БУХОРО.** Янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар ва зарур кийим-кечаклар билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги барча шаҳар ҳамда туманларда 133 та мактаб бозори ва ярмаркаси ташкил этилди.

— Бундай ярмаркаларнинг фаолият кўрсатаётгани биз, ота-оналар учун аниқ муқаддас бўлди, — дейди Жондор туманилик Ҳамза Худойқолов. — Овора бўлиб шаҳарга боришига ҳожат қолмади. Фарзандларимиз учун керакли дарсликларни, шунингдек, мактаб либосларини арзон нархларда шу ернинг ўзида сотиб олаёламиз.

Вазирлар Маҳкамасининг "2010 —

**ФАРҒОНА.** Айни пайтда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 105 та мактаб бозори ҳамда ярмаркалари ташкил қилиниб, уларда ўқув қуроллари, услубий қўлланмалар, ёшларнинг кийим-кечаклари ва бошқа зарур воситалар сотуви йўлга қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "2010 — 2011 ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўзлаштириш ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вилоят ярмаркалари ҳар бир ҳудуд, хусусан, ўқув даргоҳининг жойлашиши ва ўқувчилар сони

**Яхши хабар**

Наманган вилояти марказидаги беш ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Мустақилликнинг беш йиллиги мақалласида замонавий мактаб биноси қурилиб, фойдаланишига топширилди.

**ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР МУНТАЗИР**

540 нафар ўқувчига мўлжалланган мажбури даргоҳда ёшларнинг пухта билим олишлари учун барча шароит яратилган. Ушбу билим маскани қурилиши учун давлат бюджетидан 1 миллиард 834 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Таъкидлаш керакли, Наманган шаҳрида яшовчи ўғил-қизларнинг 2700 нафарини навбатдаги ўқув йилини янги барпо этилган муҳташам бешта мактаб биносида бошлади.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**NEW HOLLAND** FIAT GROUP

**B 115** **TS 6070** 130 л.с.

NEW HOLLAND CONSTRUCTION **TEL.: 120-60-97, 120-74-50.** NEW HOLLAND AGRICULTURE

**ОБ-ҲАВО** (18 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнғинчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик қутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ёнғинчилик қутилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-21, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово»** газеталари тахририятлари **корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.**

Тел.: 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz Бўртмалар шу йилнинг 20 августига қабул қилинади.

**Халқ сўзи** **Народное слово** Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41775 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлаб-мақола тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида тералди ҳамда операторлар Ж. Топиев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☎ — Таъжират материалли

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — М. Охунова. Мусаххач — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. Ў.А якуни — 21.00 Тошпирилди — 22.00